

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

Uzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



15 у.г. "13" март № 340-К Самарқанд t-р Самарқанд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қумзор” маҳалласида
маҳалла фуқаролар йиғинига болалар спорт майдончаси ташкил қилиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қумзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бир гуруҳ фуқароларнинг туман ҳокими номига “Қумзор” маҳалласида болалар спорт майдончаси ташкил қилишга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қумзор” маҳалла фуқаролар йиғинига “Қумзор” маҳалласи ҳудудидан болалар спорт майдончаси ташкил қилиш учун 0.03 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. “Қумзор” маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Т.Воҳидов)га болалар спорт майдончасини лойиҳа таклиф асосида ташкил этиш вазифаси юклатилсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров